

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

2022 йил «22» август

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИНТАҚАВИЙ ЙУЛЛАРГА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор О.Абдуназаров бир томондан ва «GRAND ROAD TASHKENT» МЧЖ ҚҚ (кейинги ўринларда «Пудратчи») номидан Устав асосида иш юритувчи Бош директор Сайдалиев А.А. иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 702 сонли қарори бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан Сергели тумани "Файзли" МФЙ Янги Хаёт З-берк 1-тор кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисидаги 684-сонли қонунига асосан <https://xarid.uzex.uz> маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами: 22110012133958) эълон қилинган ва «Тошкент шаҳри минтақавиий йулларга буюртмачи хизмати» ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 22 августдаги баённомасига асосан қўйидаги шартномани туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда обект жорий таъмирига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоатлар - «Пудратчи» томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоатлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиши - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича обектда жорий таъмирлаш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган обьект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича обьектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан **89 135 167,00 (саксон тўқиз миллион бир юз ўттиз беш минг бир юз олтмиш етти)** сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- обектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандা;

- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;
- обектнинг жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага қўшимча келишув тузиш билан расмийлаштирилади.

IV. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

жорий таъмирлаш ишлари бошланишдан олдин обьектда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, «Буюртмачи» иштирокида жорий таъмирлаш олиб борилаётган йул кисмини ва ундаги мавжуд йул элементларини ўрнатилган тартибда далолатнома асосида йулдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади;

зарур ҳолларда айrim иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хуносаси асосида амалга оширилиши мумкин;

лоиҳа-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари «Пудратчи» томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айrim иш ҳажмлари ва ҳаражатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур обектнинг айrim ҳаражатлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари ҳаражатларини қоплаш учун обектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида «Буюртмачи»нинг руҳсати билан йуналтириши мумкин;

обектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва «Буюртмачи»га топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан обектни «Буюртмачи»га тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

«Пудратчи» курилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида «Буюртмачи»га хабар бериши шарт;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, курилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтингчалик иншоотлар қуради;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларнинг бажарилишини таъминлади;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қўриклинишини таъминлади;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лойиха-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича маҳсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ёки ўрнатилган тартибда «Ёрдамчи пудратчи» ёллаган ҳолда, зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.3. «Пудратчи» ташкилот томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари (лаборатория хулосаси) якунлангандан сўнг 10 (үн) кун муддатда фойдаланишга топшириш ишчи комиссия далолатномаси топширилади.

4.4. «Буюртмачи» томонидан тегишли Газначилик бошқармасидан рўйхатдан утказиш учун жўнатилган электрон шартнома «Пудратчи» ташкилот томонидан ўз вақтида қабул қилиши шарт (жўнатилган вақтдан 3 соат муддатдан кечиктирмасдан).

V. «БЮОРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи»дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

«Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан «Пудратчи»га молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган обект учун маблағ таъминланиши билан 30 % (ўттиз фоиз) микдорда бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

«Буюртмачи» «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

«Буюртмачи» 5 қунлик муддат ичida «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса, уларни кўрсатган ҳолда «Пудратчи»га қайтариб беради.

Агар техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган

қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоиздан ошиб кетмаса ва қурилиш-пудрат шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, Буюртмачи-Лойиҳачи техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Техник ҳужжатларга ўзгартиришлар ўн фоиздан каттароқ ҳажмда ўзгартиришлар киритиш тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

6.2. «Пудратчи» мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадваллари бўйича амалга оширилади.

6.4. «Пудратчи» ишни бажаришнинг бошлангич ва охирги, шунингдек оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартноманинг 5.1.-бандига асосан шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бунак (аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Мазкур пудрат шартномаси кучга кирган кундан «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ўз имконияти ҳисобидан обектда жорий таъмирлаш ишларини бошлайди.

7.3. «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан ҳар ойда бажарилган жорий таъмирлаш ишларини «Маълумотнома-ҳисоб-фактура» билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва 2-иловага асосан молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган обект учун маблағ таъминланиши билан молиялаштирилади.

7.4. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган «Маълумотнома-ҳисоб-фактура»га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ҳар ойда, ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштирилиши амалга оширилади.

7.5. Объект ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 (ўн иккى) ойлик кафолат муддати ўтгунга қадар «Пудратчи» бажарилган ишларнинг сифати учун жавоб беради.

7.6. «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланувчи ташкилотга топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. «Буюртмачи» обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. «Пудратчи» техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. «Пудратчи» таъмирлаш даврида «Буюртмачи»нинг вакилини (техник кузатувчини) обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.5. «Пудратчи» обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш хужжатларини, қилинган сарф-ҳаражатларни «Буюртмачи» томонидан мазкур обьект учун бириткирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар «Буюртмачи»га топширади.

8.6. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.7. Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятлардан келиб чиқиб ишлаш усули ва машина –механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш куввати билан механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда «Пудратчи» амалдаги нарх ва механизмлар бўйича лойиҳа смета хужжатларида ажратилган маблағдан чиқмаган ҳолда расмийлаштириш хуқуқига эга.

8.8. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимидаги кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

«Пудратчи» обьектда ишларни олиб бориш тартибини ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.9. Обьектда умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

8.10. «Пудратчи» геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги, тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.11. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, «Пудратчи» «Буюртмачи» билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.12. «Пудратчи» геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича «Буюртмачи»га беради.

8.13. «Пудратчи» ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.14. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин «Пудратчи» «Буюртмачи»ни ва ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласи.

8.15. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади:

«Буюртмачи»нинг вакили – техник назоратчи (раис), «Пудратчи» ташкилот вакили – иш

бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йулга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда).

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.16. «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.17. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

«Пудратчи» «Буюртмачи»нинг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни «Буюртмачи»нинг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни жорий таъмиrlаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда «Буюртмачи» томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу обектга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва объектнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.18. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг «Ёрдамчи пудратчи»лари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.19. «Пудратчи» қурилиш майдонини ва унга туташ йул участкалари ва йулакларнинг озодалигини таъминлайди.

8.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугалланунга қадар «Пудратчи» жорий таъмиrlаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар, ҳамда объектга қабул қилинаётган асфальтобетон маҳсулотининг заводдан чиқиш ҳарорати ва йулга қабул қилинаётган ҳарорати) акс эттирилади.

Агар «Буюртмачи» ишларнинг бориши ва сифатидан ёки «Пудратчи»нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарida ўз фикрини баён қиласди.

«Пудратчи» дафтарда «Буюртмачи» томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни кўрсатилган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. «Пудратчи» таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмири тугалланган обект «Буюртмачи» томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

Х. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юкори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

«Пудратчи»нинг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда ё‘клиги, «Пудратчи»да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервасия қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи» ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

«Пудратчи» ташкилот ишчи комиссияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда маъсул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йулнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул-курилиш материаллари ва йул тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журнallари, мувофиқлик сертификатлари;
- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журнallари;
- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги хузуридаги Йул курилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан кўрсатилган камчиликларни бартарафа қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.2. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси асосида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.3. «Пудратчи» жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради.

«Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йуллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

12.1. Томонлар:

Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузулишига олиб келинадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вайда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти харакатлари/харакатсизликларини содир этмайдилар.

Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларини бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти харакатларни/ харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиласидар.

12.2. Томонлар ушбу илованинг 5.1 бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни ҳабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам ҳабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XIII. КАФОЛАТЛАР

13.1. «Пудратчи»:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидлари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидларига мувофиқлигини кафолатлайди.

13.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нұқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада күрсатилған муддат ичіда бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилингандың қонун ва мөъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш түғрисида урнатылған тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

13.4. «Пудратчи» нұқсонлар ва чала ишлар күрсатилған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирилиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Хўжалик Судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

14.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро келишуви асосида бекор қилиниши мүмкін, агарда келишув бўлмаса Тошкент Туманлараро Иқтисодий Судида кўриб чиқилади.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

15.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилған заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун хужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилған тартибда жавобгарликка тортилади;

ётиқ чизиқлар чизиш ишларини олиб бораётган «Пудратчи» ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ «Буюртмачи» олдида қуидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилған қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланған муддатда тугалланмаганлиги;

«Буюртмачи» билан тузилған шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилған ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларининг бузилиши;

объектнинг лойиҳа-смета хужжатларида белгиланған ерларни рекулътивация қилиш ишларини бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

ётиқ чизиқлар чизиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда «Пудратчи» муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланған конструкция ва ишлардаги йул қўйилған камчиликлар ва нұқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилған бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани;

«Пудратчи» ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниши ёки бошқа камчиликлар мавжудлигига «Буюртмачи», «Пудратчи»дан ўз ихтиёрига кўра қуидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Агар «Пудратчи» ташкилот нұқсонларни келишилған муддатларда бартараф этмаса, «Буюртмачи» ёки йулдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан «Пудратчи» ҳисобидан нұқсонларни бартараф этиш ҳамда нұқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилған зарарни ва бажарилған иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

15.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда күрсатилған ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланған бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки күрсатилмаган хизматлар

қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

15.3. «Пудратчи» томонидан обектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

15.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Ё‘л қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспексиясини холосаси асосида обектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 26-моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

15.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йуқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

«Буюртмачи» «Пудратчи»нинг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида «Буюртмачи»га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, «Буюртмачи» ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

15.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йули билан ҳал этилади.

Низолар музокара натижасида келишувга эришилмаган тақдирда даъво қилувчи томон юзага келган низо юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига ўрнатилган тартибда даъво аризаси билан мурожаат қиласи.

XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йуқотади.

17.2. «Пудратчи» қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи «Пудратчи»лардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгаришилар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

17.7. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда томонлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажаргунига қадар амал қиласди.

17.8. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

17.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

17.10. Мазкур шартномага қуидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали.

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«БЮОРТМАЧИ»

«ТОШКЕНТ ШАХРИ МИНТАҚАВИЙ ЙУЛЛАРГА БЮОРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ДУК

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68 уй
Ш/х: 304521860262697045129118359
СТИР: 304 893 532 ОКЕД 71120
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт бошкармаси
x/r 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 СТИР: 304 893 532
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББХКМ



Директор

О. Абдуназоров

«ПУДРАТЧИ»

«GRAND ROAD TASHKENT» МЧЖ ҚК

Манзили: Республика Узбекистан,
г.Ташкент, Учтепинский р-н, улица.
Кукча Дарвоза, дом 492
Банк: Микрокредитбанк Тошкент вилояти
амалиет бўлими
Х/Р: 2021 4000 8009 4476 9013
МФО:00455,
ИНН: 305864424



Бош Директор Сайдалиев А.А

Юрчесі!

2022 йил 22 август даги 192/ж-у/22 -сонли шартномага 1-илюва

Обект: Сергели түмани "Файзли" МФЙ "Файзли" МФЙ Янги Хаёт 3-берк 1-төр күчесини жорий таьмирлалаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

| № | Амалга оширилади ган ишлар | Йил | 2022 йил | | | | | | | | | | | | МИНГ СҮМ УМУМИЙ КИЙМАТИ |
|---|----------------------------------|------|----------|--------|------|----------|-----|-----|-----------|--------|-------------|-------------|-------|--------|-------------------------------|
| | | | И-чорак | | | ИИ-чорак | | | ИИИ-чорак | | | ИВ-чорак | | | |
| | | | январ | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр | |
| 1 | Курилиш- монтаж ишлари | 2022 | | | | | | | | | 44 657, 583 | 44 657, 584 | | | 89 135, 167 |
| | Жами | | | | | | | | | | 44 657, 583 | 44 657, 584 | | | 89 135, 167 |

"БҮЛДАРТЧИ"

Директор
О. Абдунаазаров



Бон Директор
Сандалиев А.А.



Сергели тумани "Файзли" МФЙ Янги хайт ёз-берк 1-тор кўчаси.

МОЛНЯЛШТИРИШ РЕЖАСИ

304521860262697045129118359

Х/Р

| Молиялантириши жадвали | Йил | 2022 | хисобланган аванс маблаги | 2022 йил | | | | | | | | | | | | Жами | |
|---|------|------------|---------------------------|----------|--------|-------|-------|-------|-------|-------|--------|------------|------------|-------|--------|-------|------------|
| | | | | январ | феврал | марг | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр | | |
| Йилни иш хажмийан хисобланган 30% аванс маблаги (Республика бюджети маблаглари хисобидон молиялантириши) | 2022 | 89 135,167 | 26 740,550 | | | | | | | | | | | | | | 26 740,550 |
| Ажратилган аванс маблаги ченгилишини ойлар бўйича таксимланадиган кисми (Республика бюджети маблаглари хисобидон молиялантириши) | 2022 | | | | | | | | | | | | | | | | 26 740,550 |
| Ажратилган аванс маблагини инобатга олиб бажарилган ишларни молиялантиришга зэрратладиган маблаг (Республика бюджети маблаглари хисобидон молиялантириши) | 2022 | | | | | | | | | | | | | | | | 62 394,617 |
| Жами сумма ойлар кесимида | 2022 | 89 135,167 | 26 740,6 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 26 740,550 | 62 394,617 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 89 135,167 |
| Жами | | | | | | | | | | | | | | | | | |

89 135 167 (Саксон тўқасиз миллион бир юз ўттиз беш минг бир юз олтминнечти) сўм

"БУЮРГМАНИ"



"Тошкент шаҳри министри мавзудларга шурӯъотлийи хизмати" ДУК

Директори

О.Абдуназоров



A.A.Сайдалиев
Директори

“TASDIKLAYMAN”

“Toshkeni shahar mintaqaviy yo‘llarga
buyurtmachi xizmati” DUK direktori, komissiya raisi
O.Abdunazarov



“Toshkent shahar mintaqaviy yo‘llarga buyurtmachi xizmati” DUK joriy ta’mirlash
ishlari bo‘yicha qurilish tashkilotlar o‘rtasida tanlov o‘tkazish bo‘yicha komissiya yig‘ilishi

B A Y O N N O M A S I № 9

Toshkent sh.

2022 yil “22” 08

Ishtirok ettilar:

| | | |
|---------------------|--|---------------------|
| Komissiya raisi: | “Toshkent shahar mintaqaviy yo‘llarga buyurtmachi xizmati” DUK direktori | O.Abdunazarov |
| Komissiya a’zolari: | Transport vazirligi qoshidagi Yo‘l sifatini nazorat qilish isnspeksiyasi vakili | Xamroqulov Rasuljon |
| | Toshkent shahri soliq boshqarmasi vakili | Ergashev Feruz |
| | Toshkent shahar hokimligi vakili | Tursunov Zafarxo’ja |
| | Toshkent shahar moliya boshqarmasi vakili | Tadjibayev Eldor |
| Komissiya kotibi | “Toshkent shahar mintaqaviy yo‘llarga buyurtmachi xizmati” DUK TTE va shartnomalar bo‘limi boshlig‘i | Fayzullayev I |

KUN TARTIBI:

“Toshkent shahar mintaqaviy yo‘llarga buyurtmachi xizmati” DUK
joriy ta’mirlash ishlari bo‘yicha
qurilish tashkilotlar o‘rtasida tanlov o‘tkazish bo‘yicha

(O.Abdunazarov, R. Xamroqulov, F.Ergashev, Z.Tursunov, E.Tadjibayev, E. Erolov, S)

TShMYBX DUK 2022 yil 8 avgustda O‘zbekiston Respublikasi tovar va xom-ashyo birjasining elektron portaliga **joriy ta’mirlash ishlari** buyicha, 133889, 133896, 133861, 133900, 133905, 133925, 133919, 133914, 133909, 133877, 133902, 133973, 133967, 133963, 133960, 133969, 133983, 133934, 133993, 134066, 133949, 133958, 133997, 133992, 133979, 133974, 133854, 133857, 133864 lotlar bo‘yicha СП ООО GRAND ROAD TASHKENT, 134017, 134020, 134016, 134057, 134059, 133954, 133878, 133879, 133886, 133891, 133867, 133920, 133917 lotlar bo‘yicha ASR YO‘L QURILISH МЧЖ, 134021, 133977, 134019, 134006, 134009, 134014, 134005, 133999, 134069, 134011, 134015, 133787, 133792, 133797, 133774, 133804, 133768, 133813, 133778, 133817, 133819, 133829, 133833, 133835, 133841, 133849– lotlar bo‘yicha "KYL Yo‘l Ko‘prik qurilish ta‘mir" МЧЖ lar 2022 yil 17 avgustdagi eng yaxshi takliflarni tanlash savdosini o‘tkazish buyicha davlat xaridlari komissiyasining elektron portali orqali shakllangan “**joriy ta’mirlashda qurilish tashkilotlar o‘rtasida tanlov o‘tkazish bo‘yicha**” bayonnomasiga asosan e’lon yakuniga ko‘ra g‘olib deb topilganligini inobatga olib;

QAROR QILINDI:

1. O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi 684 sonli Qonunning 62-moddasi 3-bandiga asosan komissiya bayonnomasi davlat xaridlari elektron tizimiga muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirildi. Ikki ish kuni davomida davlat xaridlari elektron tizimiga joylashtirilgan bayonnomma xech qanday e’tirozlar yoki qo‘srimcha takliflar kelib tushmaganligi ma’lumot uchun qabul qilinsin.

2. "Toshkent shahar mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK Tenderlarni tashkil etish va shartnomalar bo'limi bosh mutaxassisiga S.Abbosovga:

Yuqoridagilardan kelib chiqib hamda komissiya a'zolarining 2022 yil 17 avgustdagи bayonnomasiga asosan tegishli lotlar buyicha g'oliblar СП OOO GRAND ROAD TASHKENT, ASR YO'L QURILISH МЧЖ va "KYL Yo'l Ko'prik qurilish ta'mir" МЧЖ lar bilan qonunchilikda o'rnatilgan tartibda shartnoma tuzilsin. Hamda xizmat ko'rsatish sifat darajasi nozoratga olinsin.

Komissiya a'zolari:

R. Xamroqulov

F.Ergashev

Z.Tursunov

E.Tadjibayev



"ТАСДИКЛАЙМАН"
Тошкент шаҳар ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Б.Рахмонов
2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт
ва камбагалликни қисқартириш бош бошқармаси

Ш.Шукуров
2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 702-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил
16 февралдаги 0-14-0-Q/22 сонли ҳамда Ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 12.05.2022 йилдаги
VI-62-118-14-0-K/22 сонли қарорига асосан таъмирлаши белгиланган кўчалар

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

млн.сўмда

| № | Объектлар номи ва манзили | Курииш ишларининг бошланниш ва тутапланниш йили | Лойиҳавий қуввати тегиши ўтлов берилгандарда (км) | Шартноманинг умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг баражатлари | 01.01.2022 йил холатига колдик қиймати, шу жумладан буюртмачининг баражатлари | 01.01.2022 йил холатига колдик хисоблашдан кийнтигى колдик қиймати, шу жумладан буюртмачининг баражатлари | 2022 йил жами капитал кўйилмалар | Шу жумладан: | | | Асосий фондларни ишига туширилиши | шундан; | Буюртмачининг бошқа баражатлари | Буюртмачини харажатлари | Куввати (км) | Киймати | 2023 йил 1 январ холатига утучи объектлар бўйича колдик қиймати | 2023 йил 1 январ холатига утучи объектлар бўйича колдик молияштириш | Лойиҳа экспертиза санаси ва раками | Тендер саводлари байнномаси тасадикланган санаси ва раками | Лойиҳачи ташикилотлари | | |
|-----|---|---|---|---|---|--|--|--------------|-------|-----------|--------------------------------------|---------|------------------------------------|----------------------------|--------------|---------|---|---|---------------------------------------|---|---|----------------|--|
| | | | | | | | | Жизоз | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | | | | |
| | Тошкент шаҳри бўйича жами; | | | | | | | 119 145,000 | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | 3 989,832 | | | | | | | | | | | | | | | |
| 346 | Жами: | 157,515 | 53 543,002 | 53 543,002 | 53 543,002 | 53 543,002 | 115 155,168 | 50 476,491 | 0,000 | 4 817,553 | 2 519,060 | 75,173 | 53 543,002 | 0,000 | 0,000 | | | | | | | | |
| 32 | Бектемир тумани бўйича жами | 29,542 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 23 172,093 | 0,000 | 0,000 | 921,715 | 458,246 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | | | | | | | | |
| 7 | <i>Ийк Ота МФЙ</i> | 5,084 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 3 743,488 | 0,000 | 0,000 | 144,829 | 69,685 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | | | | | | | | |
| 1 | "Ийк Ота" МФЙ "Мевазор" кўчасини таъмирлаш | 2022 йил | 0,593 | | | | 456,610 | | | 18,558 | 9,132 | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида | |
| 2 | "Ийк Ота" МФЙ "Зартупрок" кўчасини таъмирлаш | 2022 йил | 0,410 | | | | 264,250 | | | 10,562 | 5,285 | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида | |
| 3 | "Ийк Ота" МФЙ "Маърифат" кўчасини таъмирлаш | 2022 йил | 1,030 | | | | 724,500 | | | 28,970 | 14,490 | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида | |
| 4 | "Ийк Ота" МФЙ "Хуррият" кўчасини таъмирлаш | 2022 йил | 1,000 | | | | 840,000 | | | 33,590 | 16,800 | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида | |
| 5 | "Ийк Ота" МФЙ "Мажнунтол" кўчасини таъмирлаш | 2022 йил | 0,395 | | | | 331,100 | | | 8,091 | 1,439 | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида | |
| 6 | "Ийк Ота" МФЙ "Муборак" кўчасини таъмирлаш | 2022 йил | 0,560 | | | | 389,788 | | | 15,580 | 7,795 | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида | |

| № | Объектлар номи ва манзили | Куришиш ишларининг бошланниш ва тугалланниш йилни | Лойиҳавий куввати тегишли ўлчов бирлиқнварда (км) | Шартномонинн умумий киймати, шу жумладан буортмачининг бошка харажатлари | 01.01.2022 йил холатига копдик киймати, шу жумладан буортмачининг харажатлари | 01.01.2022 йил холатига кайта хисоблашдан көйнинг копдик киймати, шу жумладан буортмачининг харажатлари | 01.01.2022 йил холатига кайта хисоблашдан көйнинг копдик молиялаштириши, шу жумладан буортмачининг харажатлари | 2022 йил жами капитал кўйилмалар | Шу жумладан: | | | | Асосий фондларни ишга туширилиши | 2023 йил 1 январ холатига ўтучи объектлар бўйича копдик киймати | 2023 йил 1 январ холатига ўтучи объектлар бўйича копдик молиялаштириши | Лойиҳа экспертиза санаси ва раками | Тендер саводлари байвономаси тасдиқланган санаси за раками | Лойиҳачи ташкилотлари | |
|---|--|---|---|--|---|---|--|----------------------------------|--------------|------------------------------|-----------------------|--------------|----------------------------------|---|--|------------------------------------|--|---|----------------|
| | | | | | | | | | Жихоз | Буортмачининг умумий киймати | Буортмачи харажатлари | Куввати (км) | Киймати | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 7 | "Ийк Ота" МФЙ "Темирчилар" кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 1,096 | | | | | | 737,240 | | 29,478 | 14,744 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 7 | <i>Гулбог МФЙ</i> | | 5,655 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 4 530,274 | 0,000 | 0,000 | 181,138 | 90,602 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | | | |
| 1 | "Гулбог" МФЙ "Янгиланиш" кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 0,787 | | | | | | 720,216 | | 28,798 | 14,404 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 2 | "Гулбог" МФЙ "Гулбог" (Зиёнур) кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 0,776 | | | | | | 658,000 | | 26,310 | 13,160 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 3 | "Гулбог" МФЙ "Бахор"(Охиста) кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 0,235 | | | | | | 215,586 | | 8,616 | 4,311 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 4 | "Гулбог" МФЙ "Нафосат" (Қаноат) кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 0,748 | | | | | | 551,852 | | 22,064 | 11,037 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 5 | "Гулбог" МФЙ "Мехнаткашлар" кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 0,816 | | | | | | 711,060 | | 28,430 | 14,220 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 6 | "Гулбог" МФЙ "Туркестон" кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 1,493 | | | | | | 1 127,420 | | 45,086 | 22,548 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 7 | "Гулбог" МФЙ "Ўзбекистон" (Обод) кўчасини таъмирилаш | 2022 йил | 0,800 | | | | | | 546,140 | | 21,834 | 10,922 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 3 | <i>Бектемир МФЙ</i> | | 4,973 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 3 721,865 | 0,000 | 0,000 | 148,844 | 74,436 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | | | |
| 1 | Бектемир МФЙ "Шодиёна" кўчаси 1 км | 2022 йил | 0,898 | | | | | | 730,520 | | 29,210 | 14,610 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 2 | Бектемир МФЙ "Яшил водий" кўчаси 3,1 км | 2022 йил | 0,303 | | | | | | 275,205 | | 11,000 | 5,504 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 3 | Бектемир МФЙ "Мехнатобод" кўчаси 3 км | 2022 йил | 3,772 | | | | | | 2 716,140 | | 108,634 | 54,322 | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 3 | <i>Нурағион МФЙ</i> | | 3,987 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 3 306,758 | 0,000 | 0,000 | 132,238 | 66,134 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | 0,000 | | | |

| № | Объектлар номи ва манзили | Куришиш ишларининг бошланниш ва тугалланниш йилни | Лойиҳавий куввати тегишли үлчов бирлукпарида (км) | Шартномоннинг умумий киймати, шу жумладан буортмачининг бошка харажатлари | 01.01.2022 йил холатига копдик киймати, шу жумладан буортмачининг харажатлари | 01.01.2022 йил холатига кайта хисоблашдан көйнинг копдик киймати, шу жумладан буортмачининг харажатлари | 01.01.2022 йил холатига кайта хисоблашдан көйнинг копдик молияштириши, шу жумладан буортмачининг харажатлари | 2022 йил жами капитал кўйилмалар | Шу жумладан: | | | Асосий фондларни ишга туширилиши | 2023 йил 1 январ холатига ўтучи объектлар бўйича копдик киймати | 2023 йил 1 январ холатига ўтучи объектлар бўйича копдик молияштириши | Лойиҳа экспертиза санаси ва рагами | Тендер саводлари байвономаси тасдиқланган санаси за рагами | Лойиҳачи ташкилотлари | | |
|---|--|---|---|---|---|---|--|----------------------------------|--------------|------------------------------|-----------------------|----------------------------------|---|--|------------------------------------|--|-----------------------|---|----------------|
| | | | | | | | | | Жихоз | Буортмачининг умумий киймати | Буортмачи харажатлари | | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 1 | Нурафшон МФЙ "Чарогон" кўчаси 1,8 км кисмини таъмирлаш кисмини таъмирлаш | 2022 йил | 1,294 | | | | | | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
| 2 | Нурафшон МФЙ "Хислат" 3-4-5 кўчаси 1,98 км | 2022 йил | 1,076 | | | | | | | | | | | | | | | ВМнинг 19.11.2021йилдаги 702-сонли қарори | Танлов асосида |
